



## O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган йиғилишда илгари сурилган ташаббуслар алоҳида эътироф этилди.

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ



Депутатлар “даладан дастур-хонгача” таъминотини асосида ягона тизим яратилиб, Озиқ-овқат хавфсизлиги қўмитаси ташкил этилаётганини қўллаб-қувватлади. Ушбу ташаббус санитария, ветеринария ва карантин хизматларининг бирлаштирилиши экспорт-импорт жараёнларини енгилаштириб, махсулот сифати ва хавфсизлиги устидан назоратни янада кучайтириши қайд этилди. Чорвачилик соҳасида 16 миллион гектар яйловдан самарали фойдаланиш, мол ва парранда сонини ошириш ҳамда фермерлар учун имтиёзли кредитлар ажратиш каби режалар аграр соҳа тараққиётига хизмат қилиши таъкидланди.

атрофлича муҳокама қилдилар. Ушбу ҳужжат истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, айниқса, нуқсонли товарларни алмаштириш жараёнидаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддаси тегишли нормалар билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилиши, тузилиши ёки таркибига оид камчиликларни аниқлаган тақдирда, сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи айнан шундай маркали товар мавжуд бўлса, уни дарҳол алмаштириб бериши шарт бўлади.

Махсулот сифатини кўшимча текшириш билан боғлиқ харажатлар эса сотувчи ёки ишлаб чиқарувчи томонидан қопланади. Бироқ текшириш натижасида товарда нуқсон мавжуд эмаслиги ёки нуқсон истеъмолчининг қоидаларни бузиши ёхуд учинчи шахслар ҳаракати оқибатида келиб чиққанлиги аниқланса, ушбу харажатлар истеъмолчи томонидан қопланиши белгиланмоқда.

– Мазкур қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида қизғин муҳокама қилинди. Ундаги айрим нормалар бўйича аниқлаштирувчи саволлар, қатор таклиф ва тавсиялар берилди, – дейди фракция аъзоси Эмма Аслонова. – Ҳужжат



“Агро кўмакчи” электрон платформаси ва рақамли кузатув тизимлари жорий этилиши соҳада шаффофлиқни таъминлашига ишонч билдирилди. Бу эса халқимизни сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш ва фермерлар фаолиятини янада рағбатлантиришга хизмат қилиши билан муҳимдир.

Депутатлар “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини

Амалдаги тартибга кўра, 7 кун ичида алмаштирилиши белгиланган.

Лойиҳада кўшимча текшириш ўтказиш асослари ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, товардаги нуқсонлар истеъмолчига товар реализация қилинганидан кейин сақлаш ёки фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаракатлари натижасида келиб чиққан бўлиши мумкинлигини ташқи кўринишдан аниқлаш имкони бўлмаган ҳолатларда кўшимча текширув ўтказилади.

истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга ҳамда бозор иштирокчилари учун янада барқарор ва ишончли ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади. Унинг долзарблиги ва заруратини эътиборга олиб, қўллаб-қувватладик.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” муҳбири

## ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

## ДАРДЛАРГА ДАРМОН БЎЛМОҚ – олижанобликнинг энг юксак намунаси

Янги Ўзбекистонимизда илғор хорижий тажрибани амалиётга татбиқ этган ҳолда аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Президентимиз ташаббуси билан кейинги ўн йилликда тиббиёт соҳасига зарур маблағлар йўналштирилиб, янги-янги тиббий муассасалари барпо этилди ҳамда замонавий тиббий технологиялар, асбоб-ускуналар келтирилди. Бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш асносида фуқароларимизга тез, қулай ва сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш бўйича манзилли чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётир.

Оддий мисол, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 3 716 949 нафар аҳолига 337 та тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатмоқда. 52 та стационар масканда 9 487 та доволаниш ўрни мавжуд, 17 та муассасадан 10 таси республика, 36 та туман даражасидаги шифохоналар саналади. Давлат тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган 5 494 нафар шифокорнинг 783 нафари ёш мутахассислар.

Бундан ўн йилча муқаддам юрак хасталиқларига чалинган аксарият беморлар тўғри ташхис қўйдириш ёки доволаниш учун пойтахтга ёки хорижий давлатларга боришга мажбур эди. Энди эса Қарши шаҳри марказида туну кун фаолият кўрсатаётган энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган замонавий кардиология марказида дардларига шифо топишяпти, ҳатто бир пайтлар мураккаб бўлган юрак жароҳлиқ амалиётлари шу ернинг ўзида юксак даражада ўтказилляпти.

2023 йилда 2 мингта юқори технология операциялар ўтказилган бўлса, 2025 йилда улар сони 7 мингтадан ошиб кетди. Вилоят кўп

тармоқли тиббиёт марказида 34 турдан ортиқ янги юқори технологик амалиётлар йўлга қўйилди. Мазкур марказнинг 5 нафар шифокори жигар трансплантацияси бўйича Москва Тиббиёт марказида малака ошириб қайтишди. Республикаимизда илк мартаба вилоятимизнинг Китоб ва Касби туманларида республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий маркази вилоят филиали мутахассислари ёрдамида 8 та беморда бўйрак трансплантацияси муваффақиятли бажарилди.

Шунингдек, онкологик касалликларни эрта аниқлаш борасида ҳам воҳамизда катта тажриба тўпланган. Ўтган йили 172 та онкологик касаллик ҳолати эрта босқичда аниқланиб, 99 фоиз тузалиш кўрсаткичига эришилиб, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш имкони яратилди. Уша йили тиббиётни рақамлаштириш учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 18 млрд сўм маблағ ажратилди. 2024 йилда бу кўрсаткич 3 млрд сўмни ташкил этган эди. 337 та тиббиёт муассасаси жойлашув манзиллари электрон плат-

формага киритилиб, барча тиббиёт муассасаларига D-Med ягона тиббиёт ахборот тизими жорий қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра реимбурсация дастури асосида бепул бериладиган 11 турдаги дори воситалари сони 28 тага оширилиб, электрон рецепт орқали тарқатиш тизими ишга туширилди. Сурункали касалликлар билан диспансер рўйхатида турган 62 822 нафар бемор мазкур дастур билан қамраб олинган. Ушбу кўрсаткич жами диспансер рўйхатида турган аҳолининг 24,4 фоизини ташкил қилади.

Вилоят соғлиқни сақлаш тасарруфида 15 та кўп тармоқли марказий ва 111 та оилавий поликлиникалар, 106 та оилавий шифокорлик, 182 та маҳалла тиббиёт пунктлари фаолияти йўлга қўйилган. Тажриба синав тариқасида Китоб туманида 29 та 1-2 тип оилавий поликлиника ташкил этилди. Мазкур туманда аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдам муассасаларига мурожаати 30 фоиздан 70 фоизга ошгани аҳолида ишончнинг ортиб бораётганидан далолат. Олис ва чекка ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказган тиббиёт бригадаларига 50 фоиз миқдорда устама тўлаш амалиёти йўлга қўйилди.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш дастури доирасида 17 та объектда 54,541 млрд сўм маблағ ажратилган бўлиб, 110 ўринли шифохона қурилиши, 1 100 қатнов ҳамда 1 та объектдан иборат оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларини реконструкция қилишдан иборат. Шаҳрисабз шаҳрида Россиянинг Инфаркт фонди томонидан тўғридан-тўғри

хорижий инвестиция дастури доирасида қиймати 10 млн доллар бўлган 110 ўринга мўлжалланган замонавий кардиожаррохлик маркази ва мобил сайёр поликлиника ташкил этилди.

Вилоятимизда тиббиётни давр талаблари даражасида ташкил этиш учун бир қатор ишларни амалга ошириш талаб этилаётир. Хусусан, 40 ва ундан катта ёшдаги 990 209 нафар аҳолини кардиологик ва эндокринологик скрининг текширувлари билан тўлиқ қамраб олиш ҳамда юқори технология операцияларни 8 мингтага етказиш лозим. Йил охирига қадар ижтимоий ва ишлаб чиқариш дастури доирасида 54,542 млрд сўмлик қурилиш-таъмирлаш амалга оширилиб, 17 та объект фойдаланишга топширилади. Аҳолининг соғлом овқатланиш тўғрисидаги хабардорлигини ошириш учун тарғибот ишларини жадаллаштириш, юриш ҳамда югуриш марафонларини ойда бир марта ташкил қилиш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. “Тез тиббий ёрдам” автотранспорт воситаларига радиоалоқа воситалари етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда 284 та тез тиббий ёрдам автомобиллари учун радиостанциялар харид қилиш учун маблағ ажратиш зарур.

Даволаш-профилактика муассасаларидаги 3 676 ставка шифокорлар етишмаслиги боис республика ихтисослаштирилган марказларнинг 8 та вилоят филиалларида акушерлик-геникология, педиатрия, реаниматология-анестезиология, эндокринология, асаб-руҳий касалликлар, кардиология, нефрология, наркология каби тор соҳа мутахассис-

жавоб бериш имконини чеклайди.

Бугунги кунда Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари Бизнес омбулсман ва Савдо-саноат палатаси билан мажбурий тартибда келишилиши шартлиги белгиланган. Ўз-ўзидан бу механизм яхши ниятдан, яъни тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишдан туғилган. Аммо амалда у Марказий банкнинг қарорлар қабул қилишда тезкорлигини пасайтирмоқда. Мисол учун, молия тизимида қўтилмаган хавф юзига келганда, масалан, тизимли ликвидлик инқирози хавфи пайдо бўлганда Марказий банк зудлик билан норматив ҳужжат чиқариши керак. Аммо мажбурий келиши тартиби бу жараёни ҳаф талаб қўйиши мумкин. Айнан FSAP ҳисоботида ушбу тартиб Базель 2-тамоилиига номувофиқ деб баҳоланди. Ҳужжат ушбу мажбурий тартибни бекор қилади. Табиийки, Марказий банк ўз ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда тегишли манфаатдорлар билан кенгашишни давом эттиради, аммо бу мажбурий расмий амалиёт эмас, балки ихтиёрий маслаҳат тарзида бўлади.

Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилади. Қўнунга кўра, бу жараёнда фақат ҳужжатнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлиги текширилади. Бу норманинг аҳамияти шундаки, Марказий банк Конституция ва қонунлар доирасида мустақил равишда норматив ҳужжатлар чиқара олади. Бу Марказий банк мустақиллигининг жаҳон стандартлари учун асосий шарт ҳисобланади.


Қўнунга кўра, Марказий банкнинг айрим муҳим соҳалардаги норматив ҳужжатлари (пруденциал нормативлар, пул-кредит сиёсати, тўловлар тизими, тизимли молиявий инқирознинг олдини олиш ва ҳ.к.) соддалаштирилган тартибда 10 кун ичида давлат рўйхатидан ўтказилиши белгиланган.

Одатдаги тартибда бу жараён ўнлаб кунлар, баъзан ойлаб давом этиши мумкин. Пруденциал нормативлар ўз вақтида кучга кирмаса, банklar баланси орасидаги хавф ортади, инвесторлар ишончи сусаяди. Янги норма бўйича соддалаштирилган тартибда рўйхатдан ўтказилган Марказий банк ҳужжатлари уларда назарда тутилган муддатда кучга киради. Бу норма ҳужжатнинг мазмуни ва унинг амал қилиш бошланиш вақти ўртасидаги номувофиқлиқни бартараф этади, амалий прогнозлаштиришни осонлаштиради.

Ушбу ислоҳот оддий фуқаро ва тадбиркорга банк ва тўлов тизимидаги пул ўтказмалари, депозитлар ва кредитлар хавфсизлиги, банкларнинг молиявий барқарорлиги, омонатларнинг ҳимоясини таъминлайди. Шунингдек, Базель стандартларига мувофиқлик мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим омил бўлади. Кредит ресурсларига эришиш шартлари, фоиз ставкалари ва валюта барқарорлиги тадбиркорлик фаолияти учун асосий омиллардир.

Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимида чуқурроқ интеграциялашиб бормоқда. Бугун мамлакатимиз хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари ва глобал капитал бозорлари билан фаол мулоқотда. Бу мулоқотнинг самараси кўп жиҳатдан мамлакатимиз молия тизимининг халқаро стандартларга мувофиқлигига боғлиқ.

Марказий банкнинг институционал мустақиллигини мустаҳкамлаш нафақат бюрократик тартиб-таомилларни оптимallasштириш, балки иқтисодий суверенитетни мустаҳкамлашнинг ўзига хос ифодаси бўлади. Марказий банкнинг мустақиллиги сиёсий конъюнктурага эмас, иқтисодий мантиққа асосланган қарорлар қабул қилиши кафолати ҳисобланади.



Хусан ЯРҚУЛОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

## МАРКАЗИЙ БАНК МУСТАҚИЛЛИГИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИДИР

### ЯНГИ ҚОНУН НИМА УЧУН ЗАРУР ВА У НИМАЛАРНИ ЎЗГАРТИРАДИ?



Исмигул ХУШМУРОДОВА,  
Халқ депутатлари Қашқадарё  
вилоят кенгаши раиси

ликлари бўйича мақсадли клиник ординатура йўналишларини очиб жоз. Депутатларимиз томонидан тиббиёт олий ўқув юрлари битирувчилари билан суҳбат ўтказиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига ишга таклиф этиш, олис ва чекка ҳудудлар учун яратилган имтиёзлар билан таништириш ишларини кучайтиряпмиз.

Буюк аллома Ибн Сино бобомиз таъбири билан айтганда, инсоннинг **дардига дармон бўлмоқ – олижанобликнинг энг юксак намунаси**. Дарҳақиқат, соғлом халқ, баркамол миллатгина эл-юрт истиқболи йўлидаги **улуғвор ишларга қодир бўлади**. Олдимизда Янги Ўзбекистон тиббиётини шакллантиришдек улуғвор вазифа турибди. Шундай экан, воҳадаги соҳа ҳодимларининг маънавий дунёси, беморлар билан мулоқот маданиятини юксалтириш, аҳолини арзон, сифатли дори-дармон ва тиббиёт воситалари билан таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.



# Абдуманноп БЎРИЕВ: ТАДБИРКОР БИЗНИНГ ЭМАС, БИЗ ТАДБИРКОРНИНГ ОЛДИГА БОРАМИЗ!

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДАГИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВАКИЛ БИЛАН СУХБАТ

– Очигини айтиш керак, биз тилга олган бу норма қонунчиликда аввал ҳам бор эди. Унда нега шу пайтгача ишламаган бу норма энди ишлайди? Сизнинг аралашувингиз билан тизимда қандай тўсиқ (фильтр) ўрнатиладиги, энди назоратчилар тадбиркорнинг пешлавҳасига ёпиша олмайдими?

– Дарҳақиқат, бу борадаги муайян меъёрлар илгари ҳам мавжуд эди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 31 августдаги “Ташқи реклама ва ижтимоий ахборотнинг айланishi соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ўша йилдан бошлаб ташқи реклама бозорини тартибга солишнинг алоҳида рақамли механизмлари, “Ташқи реклама” электрон мониторинг тизими жорий этилди, шунингдек, реклама жойларининг паспортларини расмийлаштириш тартиблари янгиланди. Ушбу ўзгаришларнинг асосий мақсади шаффофликни таъминлаш ва бозорнинг барча иштирокчилари учун ягона қоидаларни яратишдан иборат эди.

Аммо амалиётда бошқа муаммо пайдо бўлди – айрим қоидалар тадбиркорлар манфаатларини ҳисобга олмасдан қўлланила бошланди. Натижада, баъзи ҳолларда ҳатто оддий пешлавҳалар ва бизнес объектиларининг белгилари ҳам ташқи реклама объектлари қаторига киритила бошланди. Бу эса эътирозлар, ноқонуний демонтажлар ва тадбиркорлар учун қўшимча маъмурий юкланишга олиб келди.

Таъкидлаш жоиз, қонунчиликда ташқи реклама объектларини демонтаж қилишнинг аниқ тартиби белгиланган. Бундай чоралар фақат ваколатли органнинг тегишли қарори асосида, далолатнома расмийлаштирилган, демонтаж сабаблари қайд этилган, фотосуратга олинган ва мониторингнинг электрон тизимига маълумот киритилган ҳолда қўлланилиши мумкин. Яъни ҳар қандай ҳаракатлар фақат белгиланган тартиб доирасида амалга оширилиши керак эди. Муаммо меъёрларнинг йўқлигида эмас, балки ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва реклама ҳамда тадбиркорларнинг оддий ахборот конструкцияларини фарқлаш ёндашувларининг ноаниқлигида эди. Айнан шу нарса ортиқча аралашув ва турли низоли вазиятларга шароит яратарди.

– Бир мuddат O‘zLiDeP фракцияси аъзоси сифатида фаолият юритдингиз. Навбатдаги вазифангизда партиявий гоялар, яъни тадбиркорларга эркинлик бериш ва хусусий мулк дахлсизлиги кундалик иш принципларингизда қай даражада акс этади?

– O‘zLiDeP фракциясидаги ва депутат сифатидаги тажрибам, шубҳасиз, тадбиркорлар эҳтиёжларини ва барқарор ишбилармонлик муҳитининг аҳамиятини янада чуқур тушунишни учун ҳисса қўшди. Шу билан бирга, бугун Президент ҳузуридаги Бизнес-омбудсман сифатида, энг аввало, қонунчиликда белгиланган вазифалар ва барча тадбиркорларнинг манфаатларини тенг ва самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқаман. Тадбиркорлик эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги ва бизнес фаолиятига ортиқча аралашувни камайтириш гоялари мен учун нафақат сиёсий кун тартибининг бир қисми, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий қафолатлар ва изчил ислохотлар йўналишининг ифодасидир. Депутатлик фаолиятини давомидида ортиқча тажриба тизимли масалаларни чуқурроқ тушунишга, ҳуқуқни қўллашдаги камчиликларни аниқлашга ва бизнес ҳамда давлат органлари ўртасида янада самарали мулоқотни йўлга қўйишга ёрдам беради, деб ўйлайман. Тадбиркорларнинг мулки ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида аҳамият бераман. Ишончим комилки, бизнес фаолиятига ҳар қандай аралашув қатъий асосланган, шаффоф ва қонунга мувофиқ бўлиши керак. Шунинг учун бизнинг асосий вазифамиз – тадбиркорларнинг ҳуқуқлари нафақат ҳар бир мурожаат кесимида, балки амалдаги меъёрлар даражасида қафолатланишини таъминлашдан иборатдир.

– Адлия тизими ва вазирликнинг турли бўғинларида фаолият юртган тажрибали мутахассисиз. Бугунги кунда тадбиркорлар ҳуқуқларини бузиш борасида энг кўп қайси соҳа

ёки идоралар етакчилиқ қилмоқда? Бизнесни асоссиз текширишлар ва бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилишда қандай кескин чоралар кўриш режалаштирилган?

– Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳар доим ҳолис ёндашувни талаб этади. Бу ерда ҳамма нарсаси маълум даражада нисбий эканлигини тушуниш муҳимдир. Бугунги кунда энг кўп текширувлар ўтказилаётган соҳалар ҳақида гапирадиган бўлсак, булар, одатда, солиқ маъмуриятчилиги, ёнғин ва техник хавфсизлик, шунингдек, санитария-эпидемиология талаблари ва жамоат саломатлиги масалалари билан боғлиқ йўналишлардир. Табиийки, давлат назорати даражаси ва текшириш тадбирлари сони юқори бўлган соҳаларда тадбиркорлик субъектларининг ўзлари томонидан ҳам кўпроқ қоидабузарликлар аниқланади. Бу объектив жараёндир, чунки кучайтирилган назорат ҳар доим номувофиқликлар ва камчиликларга олиб келади.

Шу билан бирга, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг самарали тизими фақат текширувлар ва маъмурий таъсирни кучайтиришга асосланиши нотўғри. Бизнинг асосий вазифамиз унда тадбиркорлар қонун ҳужжатлари талабларига ихтиёрий равишда риоя этишдан манфаатдор бўлишлари, давлат органлари эса нафақат санкциялар ва таъсир чораларини қўллашга, балки кўпроқ қоидабузарликлар профилактикаси, хавф-хатарларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий тушунтиришларга эътибор қаратишлари учун шароит яратишдир.

Айнан шу мақсадда Бизнес-омбудсман юритувида “Ягона давлат назорати” ахборот тизими жорий этилди. Ушбу тизим текширув тадбирларининг шаффофлигини таъминлайди ва тадбиркорларга текширувнинг ҳар бир босқичи – уни бошлашдан тортиб, якуний натижаларгача батафсил маълумот олиш имконини беради. Бундай рақамли механизмларнинг жорий этилиши давлат назорати тизимининг шаффофлигини сезиларли даражада ошириш, текширувларнинг қонунийлиги устидан мониторингни кучайтириш, инсон омилини минималлаштириш ва энг муҳими, бизнесга асоссиз босим ўтказиш хавфини камайтириш имконини беради.

Шу боис давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тадбиркорларни асоссиз текширувлар, ортиқча аралашувлар ва бюрократик тўсиқлардан ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 17 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашувларни чеклаш ва назорат тадбирларининг шаффофлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чоралар белгиланди. Фармонга мувофиқ, жорий йилдан назорат қилувчи ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахслари ва ходимлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасида назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқотни “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида ҳисобга олиш тартиби жорий этилиши белгиланди. Бу дегани давлат хизматчиси давлат органи номидан ёки ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик субъекти фаолият юритидаги бинога назорат ёки профилактика тадбирини ўтказиш мақсадисиз ташриф буюриши ёхуд тадбиркорлик субъектини бошқа жойга чақиритиш назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқот сифатида баҳоланади ва Бизнес-омбудсман томонидан мониторинг қилинади.

2026 йил 1 июлдан янгиланадиган “Ягона давлат назорати” ахборот тизими ва унинг мобил иловаси орқали тадбиркор текширув учун айнан ким келганини, ушбу ходимнинг текширув ўтказиш учун қонуний ваколати бор-йўқлигини ва текширувнинг ўзи тизимда рўйхатдан ўтган-ўтмаганлигини реал вақт режимида кўриши мумкин. Бундан ташқари, тизим тадбиркорларга жойлардаги масъул мансабдор шахслар – ҳокимлар, ҳоким ёрдамчилари, солиқ инспекторлари, маҳалла раислари ва бошқа масъул ходимлар билан қулай электрон мулоқот шаклида тўғридан-тўғри боғланиш имконини беради. Бу юзгага келадиган масалаларни ҳал қилишни сезиларли даражада тезлаштиради ва ортиқча бюрократик тартиб-таомилларга бўлган эҳтиёжни камайтиради.

Бундан ташқари, маъмур ахборот тизимида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни, шу жумладан, қўзғатилган жиноят ишла-

ри доирасида ўтказиладиган текширувлар ва профилактика тадбирларини рўйхатга олишни ва назорат тадбири ҳисобланмайдиган мулоқотларни ҳисобга олишни таъминловчи “Бизнес ҳимоя” QR-коди жорий этилади. Давлат хизматчилари айна QR-код орқали текшириш ёки мулоқот ҳақидаги маълумотни белгиланган тартибда “Ягона давлат назорати” ахборот тизимига киритмаса, тадбиркорлик субъектлари давлат хизматчисини текширув ўтказиш учун ўз ҳудудига қўймаслик ва мулоқотга киришмаслик ҳуқуқига эга.

“Бизнес ҳимояси” QR-коди жорий этилганининг асосий мақсади барча текширувларнинг тўлиқ шаффофлигини таъминлашдир. Ҳар қандай текширув, профилактик тадбир ёки тадбиркорга расмий ташриф тизим орқали рўйхатдан ўтказилиши шарт. Тадбиркор QR-код ёки идентификация рақами орқали текширувчилар ҳаракатларининг қонунийлигини тезда аниқлаши мумкин бўлади. Энг муҳими, энди ҳар қандай норасмий ташриф, босим ёки аралашувга уриниш тегишли рўйхатдан ўтмасдан анча мураккаблашади.

– Сиз аввал Фарғона ва Тошкент вилоятлари адлия бошқармаларини бошқаргансиз, табиийки, ҳудудлардаги вазиятни яхши биласиз. Чекка туманлардаги тадбиркор ҳали ҳам Вакил аппаратига етиб кела оладими ёки вакилларнинг ўларнинг ҳузурига борадими? Иш услубингиздаги “мобиллик” (ҳаракатчанлик) даражаси қандай бўлади?

– Сиз ҳақиқатан ҳам жуда муҳим масалани кўтардингиз. Аввалги иш тажрибамдан келиб чиқиб, олис ҳудудлардаги тадбиркорларнинг муаммолари кўпинча йирик шаҳарлардаги бизнес дуч келадиган масалалардан фарқ қилишини яхши тушунаман. Шунинг учун ҳар бир тадбиркор, қаерда фаолият юритишдан қатъи назар, ўз овозини эшитиш ва зарур ёрдам олиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир.

Албатта, олис тумандаги ҳар бир тадбиркорнинг ҳам Бизнес-омбудсманнинг марказий девонига келиш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам фаолиятимизни бошқариш тарзда белгилаб олганмиз, яъни **тадбиркор бизнинг эмас, ўзимиз тадбиркорнинг олдида борамиз!**

Бизнес-омбудсман девони нисбатан ихчам ва бутун республика бўйича 91 нафар ходим фаолият юритади. Шунга қарамайдан, биз ҳудудларда мобиллик масаласида алоҳида эътибор қаратамиз. Беvosита жойларда – туманлар, саноат зоналари, корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти объектларида сайёр қабуллар, очик мулоқот ва учрашувлар мунтазам ташкил этилмоқда. Кўп ҳолларда девон ходимлари bevosита бизнес субъектга бориб, муаммони жойига чиқиб ўрганади ва тезкор ҳал этишга қўмаклашади. Бундай тўғридан-тўғри учрашувлар биз учун алоҳида аҳамиятга эга, чунки улар нафақат бизнеснинг ҳақиқий эҳтиёжларини чуқурроқ тушуниш, балки тадбиркорлик ҳамжамияти билан очик ва ишончли мулоқот ўрнатиш имконини беради. Аксарият ҳолларда бу учрашувларда имкон қадар ўзим ҳам иштирок этишга ҳаракат қиламан.

Шу билан бирга, ҳамкорлиқнинг замонавий рақамли механизмларини фoал жорий этилди. Хусусан, Бизнес-омбудсман юритувида “Тадбиркор виртуал офиси” электрон платформаси ишга туширилган кечиб, у орқали тадбиркорлик субъектлари бeча-ю кундуз мурожаат йўллаши, сўровномаларда иштирок этиши, зарур маълумотларни олиши ва тадбиркорлик соҳасидаги қатор давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини текширишнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган “Ягона давлат назорати” ахборот тизими ҳам мавжуд. Ушбу платформа орқали тадбиркорлар ўтказилаётган текширувлар ҳақида маълумот олишлари, уларнинг босқичларини кузатиб боришлари, шунингдек, эҳтимолий қоидабузарликлар тўғрисида мурожаатлар ва сигналлар юборишлари мумкин.

Қўшимча равишда Бизнес-омбудсманнинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, Телеграм-bot ва Call-марказлари орқали алоқа каналлари йўлга қўйилди. Яъни бугунги кунда биз мамлакатнинг йирик шаҳарларида ҳам, энг кечка ҳудудларида ҳам тадбиркорлар учун қулай алоқа шакллари таъминлашга интиламиз.



Энг муҳими, тадбиркор ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак. Бизнинг ишдаги ёндашувимиз айнан шунга қаратилган.

– Дунёда Бизнес-омбудсман институтининг турли моделлари мавжуд. Масалан, Жанубий Кореяда Омбудсман идораси нафақат шикоятларни кўради, балки тадбиркорликка тўсқинлик қилаётган қонунчиликдаги “тирқишлар”ни ёпиш бўйича жуда кучли ваколатга эга. Сиз халқаро ҳуқуқ мутахассиси сифатида, ривожланган давлатларнинг (масалан, АҚШ, Германия ёки Сингапур) қайси тажрибаларини Ўзбекистон шароитига тезроқ татбиқ этиш тарафдорисиз?

– Албатта, халқаро тажриба Бизнес-омбудсман институтининг самарадорлиги нафақат ваколатлар ҳажми билан, балки тизимли қарорлар қабул қилишга таъсири даражаси билан ҳам белгиланмоқда.

Назаримда, Ўзбекистон учун асосий эътиборни мавжуд муаммолар билан реaktiv ишлаш эмас, балки проактив тарзда, яъни муаммоларнинг олдини олишга қаратилган тажрибаларни ўрганиш муҳим. Масалан, Сингапур Regulatory Impact Assessment (PIA) тизими намунавий ҳисобланади. Германияда федерал ҳукуматнинг барча қонун лойиҳаларини “бюрократик харажатлар” бўйича текширадиган алоҳида орган мавжуд. Унинг асосий вазифаси бизнес учун янги жорий этилаётган қонун талабларининг самарадорлиги ва таъсирини таҳлил қилишдир. Ушбу тизимлар ҳукуматларга қабул қилинаётган меъёрларнинг бизнес муҳитига таъсирини олдиндан баҳолашга ва шу орқали салбий оқибатларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ўйлайманки, тадбиркорларни профилактик ҳимоя қилиш механизмларини янада кучайтириш – муаммолар норматив ҳужжатлар ёки маъмурий тартиб-таомиллар ишлаб чиқарилаётган босқичда бартараф этилаётган шароитда айниқса долзарбдир. Айнан шундай ёндашув бугунги кунда мамлакат раҳбарияти томонидан изчил қўллаб-қувватланмоқда. Қайд этиш лозимки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан 2024 йилда турли мамлакатлардаги Бизнес-омбудсман институтларининг таҳлили ўтказилди. Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон Бизнес-омбудсман институти фаолияти ижобий баҳоланди. Бундай баҳо кўп жиҳатдан мамлакатимизда Бизнес-омбудсман институти халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилгани ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи мустақил институтлар фаолиятининг умумэтироф этилган тамойилларига, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йилдаги резолюцияси билан тасдиқланган “Париж тамойиллари”га мос келиши асосий сабабдир.

Бизнес-омбудсман институтимиз иқтисодий, маъмурий ва фуқаролик судларида суд жараёнининг барча босқичларида тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга, шу билан бирга, амалий воситалари анча кенг ҳисобланади. Аксарият мамлакатларда бундай институтлар асосан тавсиявий ваколатларга эга бўлса, бизнинг Бизнес-омбудсман институтининг модели қонуний талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, институт амалда қвазисуд функциясини ҳам бажариб, тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, низоларни кўриб чиқиш ва бизнес билан давлат органлари ўртасидаги муносабатларда қонунийликни таъминлашда иштирок этади. Айнан шу ёндашув мамлакатимизда бизнесни ҳимоя қилиш механизмининг янада самарали ва аниқ натижага эришишга йўналтирилган қилади. Сўнгги тадқиқотлар тенденцияси шуни кўрсатмоқдаки, нафақат биз илғор хорижий тажрибани ўрганяпмиз, балки бошқа давлатлар ҳам бизнесни ҳимоя қилиш бўйича йиллар давомида тўпланган тажрибамизни ўрганмоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатимизга қизиқиши Ўзбекистондаги тадбиркорлик субъектларининг ҳимоя қилиш тизими самарадорлиги, шу қаторда, Бизнес-омбудсман институтининг эксперт капиталини тўлаганининг кўрсаткичи, десак хато бўлмайди.

– Абдуманноп Абдурахматович, Вакил сифатидаги фаолиятингиз якунида қандай натижага эришган бўлсангиз, ўзингизни вазифангизни тўлиқ бажарган деб ҳисоблайсиз? Сизнинг идеалингиздаги эркин тадбиркор образи қандай бўлиши керак?

– Бизнес-омбудсман фаолиятининг натижаси фақат бекор қилинган жарималар ёки ютиб олинган судларнинг қуруқ рақамлари билан ўлчанмайди деб ҳисоблайман. Асосий натижа – бизнеснинг давлатга бўлган ишончини оширишдир. Яна бир ютуқ – бизнес овози энг юқори даражада эшитиладиган тизим яратилгандир. Мен ўз ишимга бор кучим ва тажрибамни сарфлайман, аммо фаолиятимга якуний баҳони бизнес муҳитининг ўзи бериши керак.

Эркин тадбиркор образига келадиган бўлсак, менинг назаримда бу алоқалар билан эмас, балки қонун билан ҳимояланган тадбиркордир. У текширувлардан қўрқмайдиган, фаолиятини шаффоф ва қонуний юритадиган масъулиятли мулкдор бўлиб, у ўз вақтининг 100 фоизини давлат органлари билан бюрократик ёзишмаларга эмас, балки маҳсулот ва жамоани ривожлантиришга сарфлайди.

“XXI asr” мухбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

# ОРЗУЛАР РЎЎБИ ВА МАНЗИЛЛИ КЎМАК

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан илгари сурилган “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури бугун шунчаки режа эмас, балки одамларнинг дарду ташвишларига маҳкам бўлувчи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини жойида ҳал этувчи ўзига хос амалий ҳаракатга айланди. Мазкур дастур доирасида республикамизнинг энг чекка ҳудудларидан тортиб, маҳаллалар ичигача кириб бораётган тизимли тадбирлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бандликни таъминлашда жиддий туртки бўлмоқда.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан “Маҳалланинг ишбилармон аёли” танлови ташкил этилди. Тадбир давомида Нукус шаҳридаги Ишбилармонлар ҳудуди, Бестобе, Жайхун, Қизилқум, Наурыз ва Жипек жолы маҳаллаларида фаолият юритаётган ишбилармон хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти билан яқиндан танишилди.



Ишбилармонлар ҳудудида фаолият юритиб келаётган Мадина Ниятуллаева 2020 йилдан буён хизмат кўрсатиш соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Айни вақтда унинг корхонасида 10 нафар ишчи-ҳодим доимий иш билан таъминланган.

“Artwax collection” бренди асосчиси Абатова Арыўхан раҳбарлигидаги тикув цехида эса оз эмас, қирқдан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланган бўлиб, ёшларга тикувчилик бўйича амалий билим ва кўникмалар ҳам бериляпти. Маҳсулотлар ички бозорда муносиб ўрин эгаллаб бормоқда.

Тикув цехи раҳбарлари қизилқумлик Мийригул Жолдасова, наўрызлик Шахло Абдуллаева, жайхунлик Таморқачи ва гулли Айсанем Ережелова ҳамда бестобелик миллий кўрпа-тўшаклар устаси Куралай Наурызбаеванинг ҳам иш фаолияти ҳакамларда ижобий таассурот қолдирди. Ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги ҳамда маҳаллада бандликни таъминлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси билан намуна бўлаётган иштирокчилар алоҳида эътироф этилди.

**О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати**

## САМАРҚАНД

Пастдарғом тумани ёшлар истироҳат боғида партиянинг вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган сайёр қабулда О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси **Илҳом Ботиров** ва депутатлар, ташкилотлар раҳбарлари аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилди. Фуқаролардан тушган 70 дан ортиқ мурожаатнинг 20 тадан кўпроғи жойида ҳал этилди. Хусусан, Машъал маҳалласидан Дилдора Хайдарованинг суюлтирилган газ билан таъминлаш, Меҳнат маҳалласидан Аббос Ғаниевнинг онаси Турсуной Мамасолиеванинг юрагини даволаш учун ордер олиш борасидаги мурожаати шу ернинг ўзида ечим топди. Қолганлари бўйича тегишли ташкилотларга сўров юборилиб, ҳал этиш чоралари кўрилди.



“Маҳалланинг ишбилармон аёли” танлови иштирокчиси Бўстон Исроилова фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди. Тадбиркор 2022 йилдан буён Олти қаҳрамон маҳалласида тикувчилик маркази ташкил этиб, 8 нафар хотин-қизни иш билан банд қилиб келмоқда. Аҳил жамоа ишчиларининг қўли қўлга тегмайди, буюртма асосида замонавий ва миллий кийимлар тикилади. Ишбилармоннинг таъкидлашича, маҳсулот тайёрлашда унинг сифати ва безагига алоҳида эътибор қаратишгани боис mijozlari кўпайган. Натижа чакимас, йиллик даромад 100 миллион сўмга етмоқда.

– Бу ишни оиламга иқтисодий ёрдам бериш мақсадида бошланган, – дейди Бўстон опса. – Ҳозир эса бу меҳнатсевимли касбимга айланди. Уйда ўтирган аёлларимиз ҳам бўш вақтларидан самарали фойдаланиб, даромад топиш имконига эга. Фақат бироз ҳафсала ва меҳнат қилсалар kifoya.

**О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## БУХОРО

О'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши ташаббуси билан партиянинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури ҳамда “Юракка йўл” акцияси доирасида кенг қамровли сайёр қабул ва ижтимоий тадбирлар ташкил этилди.

Тадбир аввалида О'zLiDeP вилоят кенгаши аппарат раҳбари, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутаты **Б. Очиллов** ҳамда шаҳар кенгаши раиси, депутат **Ж. Маттиёзов** сўзга чиқиб, бу каби лойиҳалар аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини сифат жиҳатидан янги bosqichga кўтариш ва одамларнинг яшаш шaroitларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Сайёр қабул давомида шаҳар ҳокимлиги, мутасадди ташкилот ва муассасалар масъуллари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари томонидан 200 нафарга яқин фуқаронинг мурожаатлари тингланди.

Учрашувда аҳолини қийнаётган қуйидаги долзарб масалалар илгари сурилди:

- иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш;
- ички йўлларни асфальтлаш ва пиёдалар йўлакларини қуриш;
- жамоат транспорти қатновини тартибга солиш;
- маҳаллаларда болалар ўйингоҳлари ва спорт майдончаларини барпо этиш.

Қабул якунида 50 дан ортиқ мурожаат жойида ижобий ҳал этилди. Ижроси маълум вақт талаб этадиган масалалар эса масъуллар томонидан қатъий назоратга олинди. Хусусан, Шейхон маҳалла фуқароларининг мурожаатига асосан муддатини ўтаб бўлган 80 дан зиёд тунги чиқоқлар шу куннинг ўзида янгисига алмаштирилди. Бухоро шаҳридаги Фошун нурунийларининг ўз ҳудудларидан қатнайдиغان 8, 66 ва 76-автобуслар қатновини яхшилаш бўйича қилган мурожаати юзасидан тез орада аниқ чоралар қўриладиган бўлди.



Тадбирнинг эътиборли жиҳатларидан бири, айрим масалаларнинг жойида, тезкор ечим топгани бўлди. Жумладан, Маҳмуд Таробий ҳамда Ширбўдин маҳаллаларида истиқомат қилувчи 50 нафар нуруний учун яқин кунларда Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этиладиган бўлди. Бу ташаббус кекса авлод вакилларига чексиз қувонч бағишлади.

Қабул доирасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида бепул тиббий кўрик ҳам ташкил этилди. 90 га яқин фуқаро невролог, терапевт, кардиолог ва эндокринолог кўригидан ўтказилди. Беморлар замонавий аппаратлар орқали текширилиб, уларга соғлом турмуш тарзи бўйича зарур тавсиялар берилди. Даволанишга эҳтиёж бор деб топилган фуқароларга 8 турдаги 48 тўплам дори-дармон воситалари бепул тарқатилди.

Шу кун “Юракка йўл” акцияси доирасида **Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши депутати Нодир Ҳамдамов** ҳамда О'zLiDeP фаоллари Маҳмуд Таробий ва Ширбўдин маҳаллаларидаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олишди. Уйма-уй юриш давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган ўндан ортиқ оилага озик-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам кўрсатилди.

**Асхор ИСТАМОВ, “XXI asr” мухбири**

## НАВОЙ

“Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, хотин-қизлар ўртасида тиббий кўрикларни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай эзгу ташаббуслардан бири республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилоят филиалида ташкил этилди.



Партия вилоят кенгаши ташаббуси билан ўтказилган тиббий кўрикка Навоий шаҳридаги Янгиобод маҳалласида яшовчи ҳамда “НҚМК” АЖга қарашли Қизилқум кон-бошқармаси ва “Zarafshan golden group” МЧЖда меҳнат фаолиятини олиб бораётган 45 нафар туғиш ёшидаги хотин-қиз жалб қилинди. Улар акушер-гинеколог, терапевт кўригидан ҳамда замонавий текширувлардан ўтишди. Бу эса касалликларнинг дастлабки bosqichда аниқланиши ва ўз вақтида даволаш чораларини кўриш имконини яратди. Шифо-корлар беморларга бачадон бўйни саратони ҳамда саратон олди касалликлари ва уларнинг олдини олиш борасида маслаҳатлар беришди. Шу билан бирга, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, тўғри овқатланиш, мунтазам тиббий назоратдан ўтиб туриш ҳамда репродуктив саломатликка жиддий эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

**Маҳфуза ҲАМРОЕВА, Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси:**

– Аёл соғлом бўлса – оила соғлом бўлади, оила соғлом бўлса – жамият мустаҳкамланади. Партиямизнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури замирида ҳам айнан шу ҳаётий ҳақиқат мужассам. Бугунги тадбиримиз шунчаки тиббий кўрик эмас, балки аёлларимизнинг репродуктив саломатлигини асраш, уларда онкологик хасталикларга қарши тиббий ҳушёрликни шакллантиришга қаратилган амалий қадамдир. Касалликни даволагандан кўра, уни олдини олган afzal. Мақсадимиз – ҳар бир хотин-қизга тиббий хизматни яқинлаштириш ва уларнинг ҳаётига қувонч бағишлашдир.

**О'zLiDeP Навоий вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## ЖИЗЗАХ ТОМОНЛАРДА

# Яхшиликлар марафони



О'zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида партия Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан Шароф Рашидов туманидаги Бобур маҳалласида “Яхшиликлар марафони” ташкил этилди. Мазкур хайрли тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, “маҳалла еттилиги” аъзолари, партия фаоллари ҳамда О'zLiDeP фаоли, тадбиркор Элмурод Аҳадов иштирок этди.

Марафон доирасида ўтказилган “Юракка йўл”, “Бир оила – бир ҳомий”, “Фаровон оила” акциялари аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд оилалар қалбига илқиклиқ улашди. Дастлаб маҳаллада яшовчи 8 та кам таъминланган оилага озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 та оиланинг ҳар бирига 1,5 миллион сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

Энг муҳими, акция инсон қадрини улуғлаш, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Хусусан, шу маҳаллада яшовчи Нозима Ўсарова ёлғиз ўзи икки нафар фарзандини тарбиялаб кел-

моқда. Тадбиркор Элмурод Аҳадов томонидан унинг фарзандларига ноутбук совға қилиниб, уларнинг билим олиши ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиши учун муносиб шароит яратилди.

Шунингдек, маҳалладаги 5 та оилада тарбияланаётган 8 нафар болажонга вояга етгунларига қадар ҳар ойда 500 минг сўмдан ҳомийлик маблағи ажратиладиган бўлди. Бу эса оилаларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Акция давомида фуқаролар мурожаатларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, маҳаллада яшовчи 1 гуруҳ ногирони Мақсуда Ҳайитбоеванинг мурожаати асосида унинг фарзандларидан бири тадбиркор томонидан иш билан таъминланди. Бу каби амалий ёрдамлар нафақат бир оиланинг, балки бутун маҳалланинг кайфиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Бугун юртимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, саховат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар халқимиз орасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Бобур маҳалласида ўтказилган “Яхшиликлар марафони” ҳам ана шундай хайрли ва савобли ташаббусларнинг амалий ifодаси бўлди.

# Қуйи бўғинлар кучайса...

О'zLiDePнинг “Халқ билан бирга” умуммиллий ташаббуси доирасида жойлардаги фаоллар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Чунки инсон манфаатини таъминлаш, хонадонма-хонадон юриб юртдошлар кайфиятини ўрганиш, уларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда айнан маҳаллий тузилмалар етакчи қучга айланмоқда.

Мазкур ташаббус асосида Жиззах вилоятида ҳам турли лойиҳалар, ижтимоий акциялар ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Энг муҳими, 90 мингдан зиёд хонадонга кирилиб, фуқароларнинг дарду ташвишлари, орзу-интилишлари ва тақлифларини ўрганишга алоҳи-



да эътибор қаратилаяпти. Бу хайрли ишлар самарасини таъминлашда ҳудудлардаги 1 313 та таянч тузилмага бирлашган 172 мингдан ортиқ маслақдошнинг фидокорона меҳнати муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Белгиланган вазифаларни амалга оширишда, аввало, жойларда фаолият олиб бораётган сафдошларимизга таянамиз. Негаки, улар одамлар орасида юриб, кўпчиликни қийнаётган муаммоларни яхши билади. Бу эса масалаларни ўз вақтида бартараф этиш, эҳтиёжманд оилаларга амалий кўмак беришда қўл келмоқда, – дейди О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгашининг БПТлар билан ишлаш гуруҳи бош мутахассиси Ойдиной Мухторовва.

Қувонarli жиҳати, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кенг жамоатчилик орасида



катта қизиқиш уйғотмоқда. Натижада ҳаракат сафига қўшилиш истидага бўлган юртдошларимиз сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Бунинг ёрқин мисолини Шароф Рашидов туманидаги қўйи бўғинлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Айни вақтда туманда 14 минг 896 нафар маслақдошимизни бирлаштирган 129 та таянч тузилма самарали иш олиб бормоқда. Сўнгги бир ой ичида аъзолар сони яна 32 нафарга кўпайгани эса жойларда сиёсий қучга бўлган ишонч тобора мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Айниқса, жойлардаги фаоллар томонидан илгари сурилаётган тақлиф ва ташаббуслар амалий ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса очиклик ва эл дардида дахлдорлик тамойили устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатади.

Тумандаги “Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилган, тажрибали ва фаол Шерзод Бекамов раҳбарлик қилаётган тузилмага бўлиб ўтган учрашув ҳам ана шундай амалий руҳда кечди. Тадбир давомида ҳудуд аҳлини қийнаётган айрим муаммолар муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Яқунда партия сафига янги қабул қилинган 8 нафар фаолга аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Бу эса юрт равнақи, инсон манфаати ва эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатишга тайёр юртдошлар сафининг тобора кенгайиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

**О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати**



# “Балкон”ларда байроқлар ҳилпираб турсин...

Сиз катта кўчада энгил ёки жамоат транспортда кетяпсиз. Кўчанинг икки тарафига кўпқаватли уйлар чиройли қилиб қурилган. Айниқса, сўнгги йилларда қурилатган биноларда шарқона меъморчилик анъаналари замонавий қурилиш услубиётлари билан мужассам. Пештоқлари миллий услубда, яна ташқарига чиқадиған кичик айвонча (балкон)лари панжараларида боболаримиздан мерос бўлимиш минг йиллик нақшидорлик замонавий шаҳарсозлик анъаналарига уйғунлашиб кетган. Қўриб кўзингиз кувнайди, аммо...

Балконларнинг аксариятида ювилган кирлар осигилиқ тургани сизга ёқимлими, айтинг-чи! Ҳар хил турдаги арқонларга эркага аёллар, болаларнинг кийим-кечаклари қатор қилиб илинган. Улар орасида ички кийимлар

ҳам борлигини қўриб, беихтиёр хижолат тортади одам. Ёшроқ ўспиринлар ушбу манзарани бир-бирига кўрсатиб, пичирлаб қўйишади. Уларнинг неларга имо-ишора қилаётганини сезгандирсиз...

Бундай хуш-нохуш ҳолатлар бир маҳаллар одатда шаҳар марказларидаги “дом”ларда кузатиларди. Энди эса замона зайли билан қишлоқларда ҳам кўп қаватли турар жойлар қурилди, қуриляптики, ҳалиги “шаҳардан кўчган мода” биз тарафларга ҳам етиб келди.

Аслида беш, етти, тўққиз қаватли уйлар балконидан “кир осиш майдончаси” сифатида фойдаланиш бизга яқин ярим аср ичида кириб келган “хорижий анъана” эмасмикан, деб ўйлаб қоламан. Ушбу одат асрий қишлоқсимон яшаш манзиллари аста-секинлик билан шаҳарларга айланиши асосида пайдо бўлди ва собиқ шўро замонида амалиётда бўлган “Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси”да бу ҳақда лом-лим дейилмади.

Эслайлик, ўтган аср охириларидан бошлаб



кўп қаватли турар жойларнинг ташқи фасадларини давр янгилиги ҳисобланган Ёрнинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган телеканалларни қабул қилиб олувчи тоғорасимон ускуналар эгаллагани ҳалиям ёдимизда. Алоқа тизимидаги сўнгги инқилобий ўзгаришлардан яна бири – “Wi-Fi” тизимига ўтилиши ортидан ўша матоҳлар “металлом”га улқотқирилди. Минг афсуски, “кир осиш майдончалари” дахлсиз қолди.

Хўш, кўп қаватли уйларнинг йўриғи бошқа ҳам дейлик, аммо кейинги пайтларда маҳаллалардаги бир қаватли одми ҳовлиларнинг кўча томонга қараган қисми деворларига худди шу тахлитда кир осишдек ёмон одат пайдо бўлганини қандай изоҳлаш мумкин? Қизик, ҳатто иморатнинг қуёш тушадиган кўча қисмига ёғоч мослама ясаб, турли кир-чирларни кўз-кўз қилиб ёйиш одатий ҳолга айланаётгани қайси анъанамизга тўғри келади? Хонадон эгалари ҳар куни қанча одам ўтишини тасаввур қилармикан? Қани миллийлик, уят-андиша-чи? Тўғри, кўп қаватли уйларда яшовчилар учун кир қуриштиш имконияти чекланган рост, бироқ ҳовлиларда бунинг учун боғу богча тарафлар бор-ку!

Ҳали-ҳали эсимда: оналаримиз ҳафта-нинг қайсидир кунда кир ювишар ва аксар кийим-кечакларни ҳовлилар этагига, “нозик-

роқ”ларини иложи борица бегона кўзлардан панароққа ёйиб қуриштишарди...

Тагин уйламанг, муаллифга мавзу қуриб кетганимиди, нега бу майда масалани кўтар-япти, деб. Яқинда ижтимоий тармоқларда энг кўп баҳсу муҳокамага сабаб бўлган янгилик: айнан турар жойларнинг кўча томонидаги митти айвонча (балкон)ларга кир осганлиги учун жаримага тортилиш масаласи бўлди. Буни “турар жойнинг шахсий дахлсизлиги”га йўйиб, қанча юртдошларимиз эътироз билдиришди. Ва охир-оқибат “ҳукумат янгица жарима ўйлаб топмоқда”, деб ёзғирганлар ҳам топилди орамизда.

Амалиётга айлантирилаётган янгица тартибда гап фақат кўп қаватли турар жойларнинг кўчага қараган балконларига кир осишни тақиқлаш ҳақида кетмааяпти. Маълумки, ўзбекчиликда уйга сиғмаган неки нарсас бор, уларни айвончасига чиқариб, тўплашдек ёмон одат шакланган. Айрим уйларнинг балконлари омборхонани эслатади. Худо кўрсатмасин, турар жойда бирор табиий офат, айтайлик, ёнғин чиққан тақдирда ўт ўчирувчи ва бошқа хизмат вакиллари уй ичкарасига айнан ана шу айвончалар орқали кириб, “тилсиз ёв”ни жиловлашди ва хонадон эгаларини қутқариб олишда худди ана шу жойдан фойдаланишади. Ўйланг, “балкон”да қадам босгулик жой қолмаган бўл-

са (яна денг тез оловланувчи жиҳозлар сақланаётган бўлса, бир офат зумда ўн офатга айланиб кетади), ўт ўчирувчи ва қутқарувчилар ичкарига қандай киради? Янги тартиб ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг хавфсизлигини назарда тутаяётганини ҳам унутмайлик!

Балки бизларнинг кўзимиз бу каби нохуш кўринишларга кўниккандир, “...қўл синиғи – ёнғ ичида” мақолига мослаб, бундай палапартишликни ўзимизча хаспўшларимиз ҳам. Лекин юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар со-ни кундан-кун ошаётгани, улар шаҳарларими-зу қишлоқларимиз кўчаларидан ўтишларини ўйласак, бу каби беўхшов манзаралар бизга ярашмайди! Ахир миллатнинг маънавий қиёфаси, тарбияси билан боғлиқ азалий мезонлар турибди.

...Хорижий давлатларга борганимизда осмонўпар бинолар ёки бир-икки қаватли турар жойлар бўлсин, уларнинг томлари, деворлари ва айнан кичик айвончаларига мамлакат байроқлари илиб қўйилганига кўзимиз тушади. Жуда оддий туюлиши мумкин бўлган бу каби ҳолатда миллатнинг ғурури, ифтихори намоён бўлади. Бизда эса...

Рўзимбой ҲАСАН,  
“XXI asr” мухбири

## ИМКОНИЯТ

## МИЛЛИЙ МЕРОС

# НУРОБОД ПИСТАЗОРГА АЙЛНАДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқлим ўзгариши таъсири тобора яққол сезилмоқда. Айниқса, ёнғингарчилик микдорининг камайиши, ер ости сув захираларининг пасайиши каби жиддий омиллар айрим ҳудудларда, хусусан, Нуробод туманининг лалми ва адирлик яйловларида экологик босимни кучайтирмоқда. Узоқ йиллар давомида асосан яйлов сифатида фойдаланиб келинган бу ерларнинг бир қисмида табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, чорвачилик юклагасининг ортиши ҳамда иқлимий ноқулайликлар оқибатида тупроқ унумдорлиги пасайиб, ерларнинг деградацияга учраши кузатилгани бор гап. Бундай шароитда ўз-ўзидан ҳудудни тиклаш ва ундан самарали фойдаланиш масаласи долзарб вазифага айланади.

Ана шу каби ҳаётини эҳти-ёжлардан келиб чиқиб, Нуробод туманида сўнгги йилларда кенг қўламли экологик ва иқтисодий ўзгаришлар жараёни бошланди. Президент томонидан берилган топшириқларга мувофиқ, туманининг захира ерларидан оқилона фойдаланиш, деградацияга учраган майдонларни қайта тиклаш ҳамда уларни юқори даромадли агроэко-тизимга айлантириш мақсадида йирик пистачилик лойиҳаси ҳаётга таътиб этилмоқда. Ушбу ташаббус нафақат экологик муаммоларни юмшатишга, балки ҳудуд иқтисодиётида янги драйвер яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Режага кўра, 2026–2036 йиллар давомида Нуробод туманида жами 50 минг гектар майдонда писта плантациялари барпо этилиши белгиланган бўлиб, бу ишлар босқичма-босқич амалга оширилади. Ҳар йили ўртача 5 минг гектардан пистазорлар ташкил этиши орқали ўн йиллик дастур якунида кенг қўламли яшил ҳудуд шакллантирилади. Мазкур майдонлар “Са-ройкўрғон” давлат ўрмон фонди таркибига ўтказилиб, замонавий ўрмон хўжалиги тамойиллари асосида бошқарилмоқда. Мутахасссдилар тавсиялагандек, бу ёндашув бир томондан табиатни тиклашга хизмат қилса, иккинчи томондан ҳудудда иқтисодий фаолликни оширади.

Лойиҳанинг муҳим йўналишларидан бири сугориш инфратузилмасини яратиш ва замонавий технологияларни жорий этишдир. Давлат бюджетидан ажратилган 20–21 милли-ард сўм маблағ ҳисобига ҳудуд-да 40–50 та тик қудуқ қазиш, сув ҳавзалари барпо этиш ҳамда томчилатиб сугориш ва мей-брана тизимларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу эса сув ресурслари чекланган Нуробод



шароитида лойиҳа барқарорли-гини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Мутахас-сисларнинг қайд этишича, писта дарахтининг қурғоқчиликка чи-дамлилиги ушбу ҳудуд учун ай-ни мос танловдир, чунки даст-лабки йилларда сугориш йўлга қўйилгач, кейинчалик дарахт ўз илдизи орқали табиий намлик-дан фойдаланиш қобилиятига эга бўлади.

Лойиҳа илмий асосда, Ўр-мон хўжалиги илмий-тадқиқот институтилари ва соҳа мутахас-сислари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Ҳудуд-нинг тупроқ-иқлим шароитла-ри чукур ўрганилиб, экиладиган писта навлари, жойлаштириш схемалари ва агротехник талаб-лар илмий тавсиялар асосида белгиланмоқда. Дастлабки ҳи-соб-китобларга кўра, 500 гек-тар майдонга 140 минг дона кў-чат ва уруғ сарфланади. Умуман

олганда, ўн йиллик дастур да-вомида 1 миллион 400 мингдан ортиқ кўчат ва уруғ экилиши режалаштирилгани лойиҳанинг қўлами қанчалик кенг эканини кўрсатади. Айни пайтда экил-ган кўчатларнинг тутовчанлиги 90–95 фоизни ташкил этаётгани эса ишларнинг сифатли олиб бо-риляётганидан далолат беради.

Мазкур ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати, унинг ижтимоий самарадорлигидир. Лойиҳа доирасида дастлабки босқичда 500 нафардан ортиқ ишсиз ва кам таъминланган фуқароларнинг пудрат асосида бандлиги таъминланиши кўзда тутилган. Шунингдек, ҳар бир оилага 5–10 гектаргача ер май-донларини бириктириб бериш орқали аҳоли учун барқарор даромад манбаи яратиш мақ-сад қилинган. Бу эса қишлоқ ҳудудларида бандликни оши-риш, аҳолининг ижтимоий ҳо-

латини яхшилаш ҳамда мигра-цион оқимларни камайтиришга хизмат қилади. Мутасаддилар-нинг таъкидлашича, ҳудудда илгари барпо этилган тарихий пистазорлар бугунги лойиҳа-нинг амалий ва табиий асосини тасдиқлаб турибди. Чунки улар ўн йилларки, ҳосил бериб кел-моқда ва аҳоли учун ҳам, дав-лат учун ҳам барқарор манфаат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Мутахасссислар фикрига кўра, пистачилик лойиҳаси на-фақат иқтисодий, балки эко-логик жиҳатдан ҳам стратегик аҳамиятга эга. Пистазорлар тупроқ эрозиясининг олдини олиш, биологик хилма-хиллик-ни тиклаш, зарарли карбонат ангидридни ютиш салоҳиятини ошириш ҳамда чўл ва ярим чўл ҳудудларнинг экологик барқа-рорлигини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Писта дарахтининг 6–7 йилда ҳосилга кириши, 12-йилдан бошлаб эса барқарор юқори ҳосилдорлик-ка эришиши унинг узоқ мuddат-ли иқтисодий самарадорлигини янада оширади. Тўғри агротех-ник парвариш шароитида гек-таридан 5–6 тоннагача ҳосил олиш имконияти мажбурдиги эса ушбу йўналишининг экспорт салоҳиятини ҳам кенгайтиради.

Муҳтасар айтганда, Нуро-бод туманида амалга оширила-ётган пистачилик лойиҳаси од-дий агротехник ташаббус эмас, балки экологик тиклаббос, иқти-содий модернизация ва ижти-моий барқарорликни ўзида му-жассам этган йирик стратегик дастурдир. Деградацияга учра-ган яйлов ва адирликларнинг босқичма-босқич яшил план-тацияларга айланиши нафақат ҳудуднинг экологик қиёфаси-ни ўзгаритиради, балки минглаб оилалар ҳаётида янги даромад манбаларини шакллантиради. Илмий асосланган ёндашув, давлат қўллови ва маҳаллий аҳолининг фаол иштироки уй-ғунлашган ушбу ташаббус кел-гусида Нурободни мамлакат-нинг муҳим яшил иқтисодий марказларидан бирига айлан-тириш шубҳасиз.

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
“XXI asr” мухбири

Самарқанд вилояти.

Музейлар – ўтмиш, маънавият ва санъат хазинасидир. Улар нафақат тарихий меросни сақлайди, балки илмий тадқиқотлар ва таълим-тарбия жараёнларининг муҳим маскани ҳам ҳисобланади. Айниқса, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг аҳамияти катта.

тасаввур беради. Тарих бўлими эса ўтмиш даврлар манзарасини кўз олдимизда жонлан-тиради. Музейда замонавий технологиялар ҳамда 3D экспонатлар ва электрон каталоглар яратиш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда.

Музейда тез-тез кўргазмалар, рассомлар ва фотосурат усталарининг асарлари намо-йиш этилади. Таъмирлаш ишлари натижасида музей замонавий қиёфага эга бўлиб, йиллик таширф буюрувчилар сонини 65–70 минг нафар-дан ошмоқда.

Фарғона вилоятининг туризм салоҳияти ҳам тобора юксалмоқда. Марғилон шаҳрида-

# ЎТМИШ ВА КЕЛАЖАКНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК



Бугунги кунда Фарғона вилоятида 18 та давлат музейи фаолият кўрсатмоқда. Улар-нинг аксарияти Фарғона вилояти тарихи дав-лат музейи ҳамда Кўкон давлат музей-қўриқ-хонаси таркибига қўшилган филиаллардир. Музейлар фаолиятини ривожлантириш ва моддий-тех-ник базасини мустаҳкамлашга қаратилган ҳу-кумат қарор ва фармонлари соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклаб, янги имко-ниятлар яратмоқда.

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи мамлакатимиздаги энг қўҳна-ларидан бири саналади. Унинг асоси 1894 йилда Янги Марғилонда ўтказилган қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмасига бориб тақа-лади. 1899 йил 26 майда “Фарғона вилоят халқ музейи” номи билан тантанали очилган. Даст-лаб 2 223 та экспонатга эга бўлган музей фон-ди ҳозирги кунда 100 мингдан ошган.

Музейнинг Марғилон шаҳри, Олтиариқ ва Учкўприк туманларида филиаллари мавжуд. Унда археология, этнография, тасвирий ва амалий санъат намуналари, қўлёзмалар ҳамда табиат бўлимлари жой олган. Археология кол-лекциясидаги 11 мингдан ортиқ ашё водий тарихининг тош асрдан то ҳозирги давргача бўлган ривожланишини ёрқин намоён этади.

Табиат бўлимидаги ноёб тошлар, қоти-рилган ҳайвонлар ва диорама экспозиция-лари Фарғона водийси табиати ҳақида кенг

ги тарихий-меъморий ёдгорликлар, мемориал уй-музейлар ва янги барпо этилган “Бурҳо-ниддин Марғиноний” мажмуиси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. 35 гектар май-донда қурилган ушбу мажмуада меҳмонхона, карвонсарой, хунармандлар маркази, миллий бозор ва музейлар жойлашган. У келгусида зиёрат ва маданий туризмнинг йирик марказига айланиши кутилмоқда.

Тарихий манбаларга кўра, Марғилон “Маърифат аҳлининг ватани” сифатида ҳам машҳур. Бу ерда барпо этилаётган замонавий асраб-авайлаш, ўрганиш ва келажақ авлодга етказиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳи-собланади. Чунки ўз тарихини, маданиятини ва қадриятларини улуғлаган халқгина барқа-рор ривожланиш йўлидан бориши мумкин.

Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ,  
Феруза ХЎЖАЕВА,  
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари.

ХАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

# Ярадор арслон ҳайкириги



ни ҳам, ўчоқдаги мойни ҳам. Баъзан тунги соат учларда уйғониб кетиб қарасам, Ҳалима ё ўқиб, ё ёзиб ўтирарди. Мен уни ўзингни аямаяпсан, деб қаттиқ койирдим. Лекин бу қизни шахиддан қайтариб бўлмасди”.

Ўшанда Ҳалима опа билан пахта даласида ишлаб юрган хотин-қизлар олдиға борганимиз. Шоиранинг улар олдида хижолат бўлаётганини сезганман. Гўё “Мен булар учун нима қила олдим”, дегандай қийналарди, ўзини айбдордай сезарди. Шундай сўзи ўткир, шахдли шоира оддий аёллар олдида ҳаяжонланиб, тутилиб қолаётгани биллиниб турарди. Гўё уларнинг олдида қарздордай, офтобда куйган бу ҳеҳралар олдида, қабарган қўллар қошида ғамгин бўлиб, ўйға толиб қолган эди Ҳалима опа...

Оташқада, ёнадир кўксим,  
Куйдирайди армонлар, чўғлар.  
Энди мендай, аёлдай ўксиб,  
Боёвутда шамоллар йиғлар.

\*\*\*

Ҳалима опанинг бошидан кўп савдолар ўтди. Биз – укалари, сингиллари шундай пайтларда дард ва изтироб уни эзиб ташласа керак, деб таъшишланганимиз. Ўша йиллари Ҳалима опа билан кўп гаплашганман. Лекин бирор марта ҳам унинг нолиганини кўрмаганман. Анча ғамгин тортган чеҳрасида қандай бўлмасин, ўша табассумини сақлаб қолишға уринар, ҳеч кимға, ҳатто яқинларига ҳам ҳеч нимани сездирмас, ҳамма нарсаса баланддан қарар, фақат шеърият билан яшарди. Шунча юкни кўтариб туриб, тагин бошқаларнинг кўнглини кўтаришға ҳаракат қиларди. Мухими шундаки, дард ва изтироб уни синдирилмади, аксинча, янада юксалтирди, шеърларига айрича тугён ва куч бағишлади. Энг оғир пайтларда ҳам ярадор арслондай ҳайқириб, гулдураб яна майдонға чиқиб келаверди.

Ич-ичида йўлбарз ўқириб,  
Сиртдан майин жилмайган аёл!

Бу ҳайқирӣқ кўпларни чўчитар, кўлларға куч ва ғайрат бағишларди. Мухими, у ҳар қандай ҳолатда Худого, Шеъриятға, Имонға, Ватанға қараб бораверди. Унинг борар маъзили аниқ эди. Чекинмади. Синмади. Ҳаётнинг ҳамма синовларига мардона жавоб бера олди.

Суратимда хушқилиқ, хандоним ўзим билан,  
Сийратимда зулмату зиндоним ўзим билан,  
Пишган кузги буғдойдай қушға таландим десам,  
Шукриллаҳ, чин мағзим, чин доним ўзим билан.  
Қушлар бирам чорлади, йироқ беҳишт, боғларға,  
Кетмадим, жон қорилиш маконим ўзим билан.  
Тоабад яшаб келдим, энди кетгай то маҳшар,  
Йймоним ўзим билан, виждоним ўзим билан.

\*\*\*

2017 йилнинг 17 майида Ҳалима Худойбердиева Президент Шавкат Мирзиёев фармониға кўра “Эл-юрт хурмати” ордени билан мукофотланди. Бу ҳодиса адабиётимизнинг катта байрамига айланиб кетган эди. Фармон барча сўз ахлини, адабиёт ихлосмандларини, бир сўз билан айтганда, элу юртимизни тўлқинлантириб юборди. Чунки халқимиз Ҳалима опани яхши кўрар, унинг шеърларини ўз маънавий хазиналаридан бири сифатида эъзозлаб келарди. Шу билан Ҳалима опа яна катта давраларға, катта эътирофларға қайтди!

Бир пайтлар Озод Шарафиддинов шундай деган: “Ҳалиманинг шеърияти бизни бедорликка қақиради, виждонимизни уйғотарди. Вужудимиздан лоқайдлик балосини сиқиб чиқаришға ёрдам беради. Бу шеърият кўп йиллар мобайнида қирланган руҳиятимизни поклашға ва бутлашға хизмат қилади”. Бу фикр ҳам Ҳалима опа шеъриятининг моҳиятини очиб беради.

Унинг умр шоми арафасида ёзган шундай сатрлари бор:

Яқун бер, ўзимни ўроқлашимға,  
Яшин бер, қақмоқдек чарақлашимға.  
Дўсти азиз, менға ишора етар –  
Жоним қуйиб, сени сўроқлашимға.

Ҳалима опа чин дилдан тилаган экан, унға яқунни ҳам, яшинни ҳам берди, у қақмоқдек чарақлаб кетди!

Эшқобил ШУКУР,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

## ЕР ЮЗИДА БИТТА ШОИР ЯШАСА...

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳаёт бўлганида бундан тўрт кун аввал, яъни 17 майда 79 баҳорни қаршилаган бўлар эди. Умрининг сўнгги нафасиға қадар адабиёт, халқ дарди билан яшаган афсонавий ижодкор ўзининг сўнгги насрий китоби ҳақида сўрашганида “Бунда юрагимнинг оғриқ нуқталари, яъни жамиятдаги юрагимға оғриқ берган воқеа-ҳодисалар акс этган”, деган экан ғамгин оҳангда.

Кеча ушбу саҳифани тайёрлаётганимизда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон сайтида 2013 йили эълон қилинган бир суҳбатға кўзимиз тушди. Сўбат 2008 йилда ВВС радиоси томонида ёзиб олинган экан. Қуйида ана шу ажойиб гурунган парча келтирамиз:

\*\*\*

Лондондан Шохруҳ: “Ҳалима опа, Шукур Холмирзаев 90-йилларда “Адабиёт ўладими?” дея савол қўйганди. Бугун ана шу савол қанчалар долзарб деб ўйлайсиз?”. Эдинбургдан исмларини ёзмай савол йўлланган мухлиси-миз: “Ҳозирги ёшлардан кимларнинг ижодини юқори баҳолайсиз?” дея фикрингизни билмоқчи бўлганлар.

Ҳалима Худойбердиева:

– Ҳозирги ёшлардан... жуда ёш ҳам деб бўлмайди-ку уларни, бироз каттароқ бўлиб қолишган. Эшқобил Шукур – жуда иқтидорли, Салим Ашур –“Туркистон” редактори... “инжа шоир” дейди бунақаларни, ҳалиги, нима десам экан, кўнгил шоирлари-да! Яна ҳам кейинроқда келаётганлардан Гулжамоил Асқарова... Йигитлардан ҳам бор. Адабиёт ўлмайди, ҳеч қачон ўлмайди. Лекин бироз бўлса-да, лойқаланиб турганға ўхшайди. Аммо бу лойқанинг тагидан зилол, шаффоф десамми, нималардир этилиб келаётгандек ҳаёлимизда. Чиқаётган китобларда ҳам мана шу ҳолат. Бири, масалан, “шунға кетган вақтим” деб ўйлаб қолсангиз, иккинчисини ўйлаб туриб, бироз бўлса ҳам юрагинг ёришади.

Менимча, кўнгилға қайтиш бўляпти. Адабиёт, Худо хоҳласа, яқин-яқин вақтида яна ярқираб, шу олдинги ҳолатға ўтади. Зулфия Қуролбой қизи бор насрда. Жуда чиройли, жуда оригинал, жуда дадил! Биласизми, бизда прозада аёллар йўқ ҳисоби эди. Ҳақиқий ҳаётни ёзаётганлар орасида мен ҳозир Зулфия Қуролбой қизини кўряпман. Биринчи асарини ўқиганимда, умуман кечаси билан ухоломай чиқдим. Бизда ҳозирғача кўрсатилмаган, ёзилмаган ҳаётий, бор воқеаларни ёзаёпти. Бу – яхшилиқ аломати. Ер юзида битта шоир яшаса ҳам, менимча, адабиёт ўлмайди!

– Мухлисларимиздан бири ижодингиздан намуналар ўқиб беришингизни сўраган...

Ҳалима Худойбердиева:

– Одам ҳамма ҳақида ўйлар экан, бир иши тушадиган одам ҳақида ўйлар экан, лекин уйимизда ўтирган онамиз эсимизға келмас экан. Ёки бирор бир учрашувда ўзингға жуда иштиёқманд одамларни уйларкансан, лекин уйингда ўтирган онангни биринчи бўлиб ўтқизиб қўйишни ҳамма ҳам ўз вақтида ўйламаган экан. Мана шундай аччиқ нарсалар бошимдан ўтганидан кейин ёзилган шеър. Ўз онам ва барча дунёдан ўтган онаизорлар хотирасиға.

Онам маънос мажнунтол эди,  
Шоҳчалари ер томон боққан.  
Туришлари сир, фол эди,  
Тўлқинларға қўшилиб оққан.  
Япроқлари сувға ёзди хат,  
Бошлаб қайдан қайтди билмадим.  
Шивирлашди сув билан фақат  
Аммо,  
нима айтди билмадим.  
Овоз олиб демади “Ёху”,  
На йиғлаб,  
На бағрин тиглади.  
Фақат сувға дардин айтди у  
“Сирқирашиб сувлар йиғлади”.  
Билмаганман,  
Чиқмаган уни.  
Қай юк босган босиқ тошимни.  
Шу сув билан  
Сирлашган кун  
Кўтаролмам манам бошимни...

Мирзо Бедилнинг: “Қаноти йўққа қафас торлик қилмайди” деган ҳикмати бор. Туйғусиз, қалбсиз, хурриятсиз кишилар қанотсиз куш қабидир. Билъакс, шоирларнинг қанотлари катта-катта бўлади. Қафас тугул, баъзида осмонларға сиғмайди. Ҳалима опа 2012 йилнинг июнида Бухорода инсульт билан йиқилди. Кейинроқ уни Тошкентға олиб келишиб, 16-касалхонаға юйлашганида кўргани бордим. Ҳарна, палатаға киришға рухсат беришди. Опа қаравотда ётар, бутунлай ҳолдан тойган, ҳоргин қабоқларини зўрға кўтариб, титроқ овозда тутилиб-тутилиб, аранг сўзларди. Мени шунда бир нарса ҳайрон қолдирган. Ҳалима опа шундай аҳволда ҳам шеърият ҳақида гапирар ва мендан “Адабиётда қандай янгиликлар бўляпти?” деб бот-бот сўрарди. Унинг шеър ўқигиси келарди, ўқтин-ўқтин ёник сатрлари такрорларди. Гарчи шоир қаравотда ҳолсиз ётса-да, унинг қалб қанотлари парвозда эканини илғаса бўларди.

\*\*\*

...Айни дақиқаларда Абдулла Ориповнинг Ҳалима Худойбердиева ҳақидаги “Жонфидолик” деган мақоласини ўқиб ўтирибман. Мақола номининг ўзиёқ кўп нарсаларға ишора қилади. Шоиранинг ҳаёти ва ижодиға бир сўз билан берилган энг муносиб баҳо бу! Жонфидолик... Ўнта товушнинг бирикувидан ҳосил бўлган бу сўзнинг айтилиши жуда осон, ярим нафасда айтасиз-қўясиз. Лекин амали жуда қийин, умрни, қон ва терни, азоб ва машаққатларни, сабот ва матонатни талаб қилади.

Абдулла Орипов бу мақолада ўз дарду изтиробларини Ҳалима Худойбердиеванинг дарду изтироблари билан уйғун тарзда ифодалаган. Бу икки ака-сингил қалбидаги армонлар, тугёнлар, исёнлар, нолалар ва фарёдлар миллат руҳининг овозидай кескин жараңлаган. Бу икки ака-сингил суронлар, таъқиблар, тўзонлар ичида ҳам ўз шеърларида ўзбек кўнглини ифодалаган, ўзбек руҳини намоён қилган.

Ҳалима опанинг Абдулла акаға бағишлаган шеърда шундай сатрлар бор:

Энди шундай. Қурашларға белни маҳкам боғлармиз,  
Дил топамиз. Айру-айру элни маҳкам боғлармиз,  
Тўғон бўлиб, элға келар селни маҳкам боғлармиз,  
Тиклагимиз халқни! Қураш – ором бўлсин, оғажон,  
Тиклолмасак шоир номи ҳаром бўлсин, оғажон!

Бу ўтли мисраларни у мустақиллик арафасида – 1991 йилнинг 5 апрелида ёзган. Бу шоирлар аллақандай майда-чуйда, куйдирмажон ҳисчалар билан эмас, шундай катта туйғулар билан яшаган. Бу туйғулар халқнинг асрий армонларига жонтомирлардай боғланиб кетган.

Абдулла Орипов шундай ёзади: “Мен Ҳалима Худойбердиева ижодини, унинг шоир юрагини даврининг доимий тарағ торларига ўхшатган бўлардим. Чунки бўлиб ўтган, ўтаётган ҳар бир ҳаётий жараёнлар бу юракдан ўз акси садосини топиб бормоқда. Гоҳ мунгли, гоҳ забардаст, гоҳ тасдиқловчи, гоҳ инкор этувчи... умуман, бу йўлларда у ўзининг ўчмас изларини қолдириб бормоқда, деб айтишға ҳар жиҳатдан ҳақлимиз. Жонажон Ватан шаъни, эрки хусусида гап кетганда, ҳеч икиланмай, азиз жонини гаровға қўйиб, қўлиға қалам оладиган ижодкорлардан деб биламан мен уни”.

Ҳақ гап. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида миллат бошидан не-не кўргуликларни ўтказган бўлса, бу қайғулар Ҳалима Худойбердиева шеърларида ўзбек оналарининг аламли нидосидай акс садо берди. Унинг 60-70-йиллардаги пахта далаларида қўлларча меҳнат ҳақидаги (“Элим сени муте кўрсам, Кўздан қолай, кўзим кўйсин”), 80-йилларда ҳарбий хизматта уйдан ўйнаб-қулиб чиқиб кетиб, темир тобутларда қайтган ўзбек ўғлонлари ҳақидаги (“Сор ўғиллар тугиб, улғайтиб, Олдирасан, қалхатға тоқай”), “Ўзбеклар иши” тамғаси остидаги бутун бир халққа тухмат ва ҳақоратларға қарши исёнкор мардона шеърлари (“Эгилган бошларимға тухмат тожин қияркан, Ўз манқуртларим гоҳи эл ризқини қияркан”), “Ўш-Ўзган фарёди” дафтаридан “Унутганининг куйсин икки дунёси” каби туркумлари (“Фитна тиг санчди тик, кўкси тоғларға, Ит тегди сут ҳидли қизалоқларға”) бунга далилдир. У эрксиз элнинг қайғу-таъшишларини, мазлум миллатнинг дардларини ўз қалбининг оғриғи деб ҳис етар ва бундай вазиятда бефарқлиқни жинойат деб биларди.

Бул кун кимдир ўйнаса,  
Доғ устида ўйнайди.  
Доғ-дарахти зардоб ранг  
Боғ устида ўйнайди.

Қандоқ сўлмай қиёғи,  
Қуйиб кетмай оёғи,  
Нақ юракнинг устида,  
Оҳ устида ўйнайди.

\*\*\*

Ҳалима опа бундан 57 йил аввал 18 ёш вақтларида ўз қалби билан шундай бир битим тузган ва бу битимни шеърда қуйидагича ифода қилган эди:

Япроқлар тўкилар, кўзларимда нам –  
Сўнгги шитирлашлар... ўкинаман жим.  
Демак, қачонлардир тугайсан сен ҳам,  
Тингунингча қуйла, қуйлаб қол, кўнглим.

Катта йўл бошида турган бу ёш қалб кейин узоқ йиллар меҳр-муҳаббат билан ёниб қуйлаб ўтди ва ўз қўшиқларини абадитта муҳрлади. Шунинг учун ҳам, қуйлаган кўн-гилға ўлим йўқ.

Унинг ҳар бир шеърда тирик бир руҳ ҳаракат қилади. Шу боис Ҳалима опанинг шеъри билан юзма-юз келганингизда унинг ўзи билан юзма-юз келасиз. Ҳар бир шеъри бир ўқишдаёқ, мудраётган қалбларни уйғотиб юборади. Бу руҳ қайдан? Бу шиддат қайдан? Бу куч қайдан? Бу ҳикмат қайдан?

Она элим, дўстингға дўсту  
Душманингға хавфу хатарман.  
Жилғалардай чулдираб ўсдим,  
Илдингдан келган хабарман.

Шу буюк илдиз сабаб унинг шеъриятида ватан бор, тупроқ бор, эл ва авлод бор. Кейинги пайтларда ватансиз, ерсиз, муаллақ шеърлар кўпайди. Буни бошқача, яъни “Ватан!” деб албатта ёзиш керак экан-да, деб тушунмасинлар. Гап шундаки, ичингда ватан қайғуси борми, бас, бу қайғу севғи ё янтоқ ҳақидаги шеърингда ҳам барибир қандайдир сирли шаклда кўриниш бераверади, худди 25-кадр каби кўзға ташланмасдан онг остиға таъсир қилаверади. Баъзан “Ватан” сўзи юз марта қайтарилган шеърда ҳам Ватаннинг ўзи бўлмаслиги мумкин. Инсоннинг ботинида Ватан туйғуси устувор бўлмаса, унинг бошқа туйғулари ҳеч қачон бутун бўлмайди. Чунки одамнинг олтмиш икки минг томирининг уриши – севғисю нафрати, шодлигию қайғуси, аждодию авлоди, меҳрию қаҳри, болалигию кексалиги, ҳаётию ўлими шунға боғланади.

Ҳалима опа камтарлик билан бир тўртлиғида шундай ёзади:

Менам ўз-ўзимча роз айтдим, кетдим.  
Не айтдим? Ўзимға хос айтдим. Кетдим.  
Бу дунёға келиб бор қилган ишим –  
Бир икки сўз айтдим. Рост айтдим. Кетдим.

Аслида шоирнинг ҳақиқати ҳам, моҳияти ҳам шу экан-да! Ҳалима опа буни жуда яхши билган. Шоир бир сўз айтиб кетса ҳам, рост айтиб кетиши керак. Шоир битта жумла сўйласа ҳам, бу жумлада унинг қалби уриб туриши керак. Ўтган тузум давридаги том-том, жавон-жавон шўрлик китобларнинг фожиаси ҳам шунда. Вақти келиб ўлимтиқка айланган, мадҳиябоз, қўллиқни шарафлаган бундай хон китоблардан бир арава ўтин авло бўлиб қолгани ҳам рост. Баъзан эски кутубхоналарда мустабид мафқуранинг супургиси бўлган шундай китобларға дуч келиб қоласиз. Кутубхоначилар бу китобларни қаерға қўйишни билмайди-лар, худди Тенгиз Абуладзенин “Тазарру” фильмида ўлиқни кўмиш муаммо бўлганидай...

\*\*\*

Унинг шеърлари шу даражада табиийки, уларда ҳар бир сатр “юракнинг энг чўкур еридан” отилиб чиқаётганини айни сатрнинг ўзи далиллаб туради. Бу шеърларнинг илдизлари халқнинг жон томирларига бориб тута-шади. Шунинг учун шоир ўзи ва халқи ўртасида турадиган изоҳқаш-даллолға муҳтож эмас.

Тунда тундай ботганларға менинг гапим йўқ,  
Рухдан айру шод танларға менинг гапим йўқ.  
Бахти лим-лим бу тириклар ғамни танимас,  
Мен дардимни утганларға сўзласам керак.

Элим деган фиғонлари ҳаволаб кўкка,  
Оломондан илгарилаб, лаб босиб чўққа,  
Қалқон бўлиб келаётган балоға, ўққа,  
Бир қадамға утганларға сўзласам керак.  
Дардим нолон кутганларға сўзласам керак.

\*\*\*

...1990 йили Ҳалима опа билан Боёвутға – туғилган қишлоғиға борганман. Шоиранинг онаси, қариндош уруғлари билан узоқ гурунлашарди. Ниҳоятда самимий, ҳалол, дўнг одамлар. Ҳаммаси Боёвут даштларидай кенг-фёъл одамлар. Ҳалима опаға оналик қилган холаси – Қаршигул момонинг қиёфасида туркий оналар тимсоли аён кўриниб турарди. Момо Ҳалима опанинг болалик, ўсмирлик йиллари ҳақида гурун берди: “Бир китобни ўқий бошладими, бўлди, ҳамма нарсани унутарди, тандирдаги нон-

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ  
Равшан МАМУТОВ  
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА  
Шухрат АСЛОНОВ  
Абдулла АСЛОНОВ

Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.ru  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ijtimoий-сий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил  
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,  
Буюртма рақами: Г – 545  
Адади: 5896  
Баҳоси келишилган нархда.  
Топширилди – 19:45

Тахририятға келган кўлөзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларға  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларға манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер  
марказида терилди.

Саҳифаловчи:  
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:  
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ